

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил август ойининг 26 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Турғунов, судья ёрдамчиси У.Йўлдошевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров, судланувчи Б.Ҳақимов, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Fair Defense” адвокатлик бюроси адвокати О.Зупаров, жабрланувчи Б.Каримоваларнинг иштирокида, Ҳақимов Бахтиёр Садамбаевич (Хакимов Бахтиёр Садамбаевич)га оид 1-1008-2403/423-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Ҳақимов Бахтиёр Садамбаевич (Хакимов Бахтиёр Садамбаевич),** 22.12.1980 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 21.06.2011 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 19.01.2012 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан жазодан озод этилган, ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланган;

2) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 24.04.2015 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 4-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 12.11.2018 йилдаги ажримига кўра, қолган 3 йил 5 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 29.07.2022 йилдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 4 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг



17.10.2023 йилдаги ажримига кўра, қолган 3 ой 9 кун озодликни чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси, 1в-уй, 27-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 24.06.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи Б.Ҳақимов, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, бошқа шахс билан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2024 йил 28 апрель куни, соат 07:45ларда, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет МФЙ, Фаробий кўчаси, 2-уй, 1-йўлагидида жабрланувчи Каримова Бибинур Мансуровна томонидан қаровсиз ҳолда қолдириб кетилиган бир дона, нархи 4.000.000 сўмлик “Gefest” русумли газ плитасини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Б.Ҳақимов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни жияни М.Махсудов билан 2024 йил 28 апрель куни Малика савдо мажмуасида бўлганида, қариндоши Мовлон ва таниши Санжарлар қўнғироқ қилиб, уларга иш бўлмаётганлигини айтиб улар билан кўришишни ва иш борлигини бир буюмни кўтаришиб юбориш кераклигини таклиф қилганида, улар билан Беруний метро бекати олдида учрашиб, яқин орадаги кўп қаватли уйда газ плитаси борлигини, кўтаришиб юборишни сўраганини, Мовлон ва Санжарлар Фаробий кўчаси, 2-уйнинг кириш йўлагидида қаровсиз турган газ плитасини олиб чиқиб кетишганлигини, газ плитани эгасига керак эмас деб ўйлаганлигини, шу сабабли у эгасидан сўрамасдан, рухсатсиз Мовлон ва Санжарлар билан бирга олиб чиқиб кетганлигини, газ плитасини ўғирлаб олиб кетаётганидан Санжарнинг хабари бўлганлигини, қариндоши М.Махсудовнинг эса хабари бўлмаганлигини, М.Махсудов ишламаганлиги сабабли унга ёрдам бўлсин деб унга газ плитасини олиб чиқишда ёрдамлашишини таклиф этганлигини, хизмат ҳақига 200.000 сўм берганлигини, Санжар билан бирга нотаниш таксида Янгиобод бозорига газ плитани олиб бориб нотаниш шахсга 800.000 сўмга сотиб, таксига 50.000 сўм, Санжарга 250.000 сўм, ўзига 300.000 сўм ва М.Махсудовга 200.000 сўм берганлигини, такси хайдовчисига газ плитасини ўғирланганлигини айтмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, етказилган



зарарни қоплаб берганлигини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини, ундан кечирим сўраганлигини баён қилиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Хакимов айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир қилгандаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Жабрланувчи Б.Каримова суд мажлисида, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, 2024 йил февраль ойида уйининг ошхонасига янги газплита қўйганлиги сабабли, уйдаги нархи 4.000.000 сўм атрофида бўлган, “Гефест” номли газплитани уйнинг кириш йўлагига, газ плитаси каробкасини ичига солиб қўйганини, 2 ойдан буён ҳеч тегмаганлигини, уйга кириш эшиги кодли эшик бўлганлиги сабабли кимдир ўғирлашидан шубҳаси бўлмаганлигини, 2024 йил 28 апрель куни соат 11:00ларда, уйдан ўз иши билан чиқиб кетаётганида, газ плита жойида турганлигини, соат 18:00ларда, ишларини битириб кўчадан қайтиб келганида, газ плитани каробкасини ўзи эгилиб қолганлигини кўрганлигини, дастлаб ушбу ўғирлик юзасидан 102 хизматига хабар бериш нияти бўлмаганини, лекин кириш йўлагига қўйилган кузатув камерасини кўрганида, кетганидан сўнг орадан 1-2 соат ўтиб, унга нотаниш бўлган 3 нафар шахс бемалол кириб, “Гефест” номли газ плитасини ўғирлаб кетганлигини кўриб, бу ҳақида 102 хизматига хабар берганлигини, ИИБ ходимлари келиб мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишларини олиб боришганлигини, уларга кузатув камерасини видеотасвирларини тақдим қилганлигини, кейинчалик ушбу ўғирликни Б.Хакимов ва унинг шериклари содир қилганлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Б.Хакимов томонидан етказилган зарарнинг ярми қопланганлигини, қолган ярмидан воз кечишини, судланувчи Б.Хакимовга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Хакимовга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Махсудов суд мажлисида, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, Б.Хакимов уни тоғаваччаси, С.Бадиков уни ўртоғи эканини, 2024 йил 28 апрель куни соат 15:00ларда, Б.Хакимовга телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўраб гаплашганида, гап орасида унга бўш бўлса Олмазор тумани, Беруний метросига келишини, ёрдами кераклигини, газ плита кўтариб юборишини сўраганида, Б.Хакимовни олдига борганлигини, Б.Хакимов билан суҳбатлашиб турганида, С.Бадиков келганлигини, улардан газплитани кўтариб юборишини сўраганини, Б.Хакимовдан газ плита кимга тегишли эканлигини, ўғирланган ёки ўғирланмаганлигини сўраганида, унга таниши берганлигини, ўғирланмаганлигини айтганлигини, уччаласи Фаробий кўчасидан 4 қаватли уйлардан бирининг кириш йўлагига кирганлигини, С.Бадиков кириш йўлаги эшиги олдида турганлигини, у ва Б.Хакимов коробка ичидаги газ плитани кўтарганлигини, ташқарига олиб чиқиб, С.Бадиков коробкани жойига тўғирлаб қўйганлигини, ўнгга бурилиб, автобус бекати олдига олиб бориб қўйганлигини, Б.Хакимов уни газ плитани шу ергача олиб келиб беришда ёрдам бергани учун 200.000 сўм берганлигини ва у кетганлигини,



кейинчалик ИИБга чақиришганида ушбу газ плита ўғирланганлигини билганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95 ва 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Б.Хакимовнинг айби суд мажлисига ҳозир бўлмаган гувоҳ С.Бадиков ва С.Каримоваларнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари тарафлар розилиги билан ўқиб эшиттирилганида судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек ИИО ходимининг билдиргиси, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, фото жадваллар ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Б.Хакимовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорида кўрсатилган амалий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди, *“ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси 1-хатбошисида, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши белгиланган.

Шунингдек, суд судланувчи Б.Хакимовга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар фарзанди ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг боқувчиси эканлигини, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Шу билан бирга, судланувчи Б.Хакимовга жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят



кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар фарзанди ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг боқувчиси эканлигини, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Б.Каримованинг судланувчи Б.Хақимовга нисбатан даъвоси йўқлиги, енгиллик бериш ва унга етказилган зарар қопланганлиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд ашёвий далил тариқасида олинган бир дона “DVD” дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни инобатга олишни лозим топади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

#### **ҳ у к м   қ и л а д и :**

**Хақимов Бахтиёр Садамбаевич (Хакимов Бахтиёр Садамбаевич)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Хақимов Бахтиёр Садамбаевич (Хакимов Бахтиёр Садамбаевич)га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан билан иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси Б.Хақимовнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин, жазо мазкур жазони ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати Б.Хақимов жазони ўташ учун юборилган қорхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Б.Хақимовга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.



Жабрланувчи Б.Каримованинг судланувчи Б.Хакимовга нисбатан даъвоси йўклиги, енгиллик бериш ва унга етказилган зарар қопланганлиги ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган бир дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ва протестлар шу суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

ИМЗО

**А.Турғунов**

Нусхаси аслига тўғри, судья:

